

Тошкент шаҳри бўйича нақд хорижий валютани харид қилиш ва сотиш операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ваколатли банкларнинг алмаштириш шохобчалари Ж О Й Л А Ш У В И

Table with columns for bank name, branch name, and phone number. Includes sections for 'ТОШКЕНТ ШАҲРИ' and 'УЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ'.

Нақд хорижий валютани харид қилиш ва сотиш операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ваколатли банкларнинг алмаштириш шохобчалари Ж О Й Л А Ш У В И

Table with columns for bank name, branch name, and phone number. Includes sections for 'КОРАКАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ' and 'АНДИЖОН ВИЛОЯТИ'.

Main table with columns for bank name, branch name, and phone number. Includes sections for 'САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ', 'БУХОРО ВИЛОЯТИ', 'ЖИЗГАХ ВИЛОЯТИ', 'КАШКАДАРЁ ВИЛОЯТИ', 'НАВОЙ ВИЛОЯТИ', and 'НАМАНҒАН ВИЛОЯТИ'.

Main table with columns for bank name, branch name, and phone number. Includes sections for 'САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ', 'СЎРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ', 'СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ', 'ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ', 'ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ', and 'ДАВОМИ 3-БЕҒДА'.

АРАБ ОЛИМИНИНГ АЖОЙИБ АСАРИ

Буюқ аллома Имом ал-Мотуридийнинг ҳаёти ва илмий меросига қизиқиш 1970 йиллардан кейин алоҳида аҳамият касб этди. Фарба ҳам, Шарқда ҳам бу борада талай ишлар қилинган. Мисрлик олим доктор Али Абдулфаттоҳ ал-Мариябийнинг «Имом аҳл ас-суннат ва-л-жамоат Абу Мансур ал-Мотуридий ва Орсун-л-Каломий» («Аҳл ас-суннат ва-л-жамоатнинг имоми Абу Мансур ал-Мотуридий ва унинг каломий қарашлари») номли асари бу йўналишдаги муҳим тадқиқотлардан ҳисобланади. Қоҳира университетидида докторлик диссертация сифатида ҳимоя қилинган ушбу илмий тадқиқот бундан ўн беш йил муқаддам, яъни 1985 йилда алоҳида монография тарзида нашр этилган. Ҳажми жиҳатидан катта (440 саҳифадан иборат) бўлган бу асар муқаддима, етти бўлим (қасл) ва хотимадан иборат.

Асарнинг муқаддима қисмида ушбу тадқиқотнинг аҳамияти, уни ёзиш жараёнида фойдаланилган манбалар ва адабиётлар, ёзишда қандай тамойилларга амал қилинганлиги ҳақида батафсил баён қилинган. Тадқиқотнинг биринчи бўлими умумий тарзда «Имом ал-Мотуридийнинг ҳаёти» деб аталган. Бунда унинг ҳаётига доир маълумотлар, у яшаган даврдаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт, унинг устозлари шу жумладан, Имом Аъзам Абу Ханифа ҳазратларига бўлган муносабати, асарлари, илму фан ва маданиятга қўшган ҳиссаси, таълимоти-нинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида батафсил маълумотлар келтирилади.

Имом ал-Мотуридий бутун умри давомида калом илми соҳасида яратган таълимотлари билан жумлаи жаҳонга машҳур бўлган. Маълумки, калом илмида билиш назарияси алоҳида ўрин эгаллайди. Шу боис тадқиқотнинг иккинчи бўлими Билиш (Ал-Маърифат) деб номланган. Имом ал-Мотуридий исломий тафаккурда биринчилардан бўлиб билиш назария-сига асос солганлиги боис унинг бу йўналишдаги таълимотлари кенг қўлдан баён қилинади. Билишнинг турлари ва услублари, алломанинг билиш назариясига оид масалаларни

илмий асосда шарҳлаб, ўз рақибларига берган рақдиялари бандма-банд келтирилган. Учинчи бўлим «Оламнинг пайдо бўлиши, Оллоҳ таолонинг мавжудлиги ва ягоналигининг исботи» деб аталган. Бу бўлимда Мазкур масалалар буйича Имом ал-Мотуридий билдирган фикр-мулоҳазалар илмий асосланган далил ва исботларга таянган ҳолда шарҳланади. Тўртинчи бўлим «Оллоҳ таолонинг сиратлари ва аъёоллари» деб номланган. Бу бўлимда, энг аввало, «сифат» ибораси ҳар тўмонлама чуқур талқин қилиниб, шарҳланади. Шундан кейинги бандларда Оллоҳ таолонинг сиратлари ҳусусида билдирилган турли олимларнинг фикр-мулоҳазалари бирма-бир келтирилади. Улар жумласидан Жамъ Ибн Сафрон, ал-Жуббайи, ал-Аллоф, ал-Мотуридий ва ал-Ашъарийларни кўрсатиш мумкин. Шунингдек, бу бўлимда Оллоҳ таолонинг сиратлари — тақвийн, илм, калом, ҳаёт, эшитиш ва қуриш (басар) ва охирада Оллоҳнинг руҳияти, Оллоҳнинг зоти билан сиратлари ўртасидаги алоқа ҳақида фикр юритилган.

«Халқ афёол ал-ибод» («Инсонлар афёоли (ишлар)нинг яратилиши») бешинчи бўлимдир. Бу бўлимнинг биринчи қисмида Имом ал-Мотуридийнинг мазкур масала буйича турли оқим ва фикраларга, масалан, жаба-рийлик, қадарийлик, айниқса, муътазиллийлар томонидан жумлаи жаҳон аҳлининг имоми деб улуғланган энг

ийрик пешвоси Абул Қосим ал-Қабрийнинг бу ҳусусидаги хато фикрларига берган асосли рақдиялари келтирилади. Иккинчи қисмда инсоннинг қудрати ва унга тегишли воситалар ҳақида фикр билдирилган бўлса, учинчи қисмда ирода ҳақидаги турли-туман қарашлар, бешинчи қисмда қазо ва қадар масалаларига доир мулоҳазалар ўз ифодасини топган.

Тадқиқотнинг олтинчи бўлими «ас-Самъийотнинг биринчи қисмида ан-Нубуват (пайғамбарлик), набий ва расулнинг маънолари, мўъжиза ва қаромат ҳақида мутақаллимларнинг талқинлари, набий, валий ва соҳир (сөҳрғар) ўртасидаги фарқлар калом илми нуктаи назаридан шарҳланган. Иккинчи қисмда гап иймон ҳақида кетади. Тарихдан маълумки, исломий тафаккурда иймон масаласи энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бу ўринда мусулмонлар ўртасидаги дастлабки ихтилофлар ҳам айнан иймон масаласида чиққанлигини эслатиш лозимдир. Масалан, гуноҳи азим (қабир)ни содир қилган мўминга муносабатни турли исломий тоифалар ҳар хил талқин қилганлигини кўрсатиш мумкин. Шундан кейин асарда бирор нуфузи — эътиборли кишига эргашиб қилинган иймон (иймон ат-тақлид) ҳақидаги фикрлар берилди. Абу Ханифа, Молик ибн Анас, ал-Авзоъий, аш-Шофъий каби буюқ имомлар, фикр ва ҳадис илмининг асар олимлари иймон ал-муқаллидини




маълум ҳисобланганлар. Аммо муътазиллийлар эса муқаллид мўмин бўлмади, деган фикрни билдирганлар. Иймоннинг маъноси ва ҳақиқати ҳақида фикр юритилганда, шуни таъкидлаш лозимки, имом ал-Мотуридий бутун ҳаёти давомида имом Абу Ханифанинг таълимотида қарор топган иймон — бу дил билан тасдиқлаб, тил билан иқрор бўлиш деб талқин этилган (ат-тасдиққ би-л-қалб ва-л-икрор би-л-лисон) қоидага риоя қилган. Бошқа гуруҳлар, масалан, қаромийлар иймон — бу фақат тил билан иқрор бўлиш, деб таърифлаган бўлсалар, яна бир тоифа — масалан, муриқалар иймон Оллоҳни билишлик ва унга иқрор бўлишдан иборат, деб ҳисоблаганлар. Бу қисмда, шунингдек, иймон зиёда бўладими ва қайиши мумкинми, деган масала ҳусусида ҳам хилма-хил қарашлар келтирилади. Имом ал-Мотуридий, Абу Ханифа мазҳабда қабул қилингандек, бу масалада, яъни иймоннинг зиёда бўлиши эки қайишига у рад жавобини беради. Мазкур қисмда келтирилган муҳим маълумотлардан яна бири иймонда истисно масаласи бўлиб, имом ал-Мотуридий ўзининг асосий асарлари «ат-Тавҳийд» ва «Таъвийлот аҳл ас-суннат»да ўз ифодасини топган тўққиз банддан иборат асосли далилларни орқали иймонда истисно бўлиши мумкин эмас, деган қатъий фикрни илгари сўрган. Тадқиқотнинг охири, еттинчи бўлими «Имом ал-Мотуридий, Имом ал-Ашъарий ва муътазиллийлар таълимотлари ўртасидаги фарқ ихтилофлар» деб аталиб, номидан ҳам кўриниб турганидек, улар таълимотлари ўртасидаги фарқларга бағишланган, атрафлича баён қилинган ва шарҳланган.

Тадқиқотнинг хотима қисми ўн беш банддан иборат бўлиб, уларда ушбу илмий асарда келтирилган фикр-мулоҳазаларга яқини хулоса ясалган. Бинобарин, мазкур тадқиқотни ўзбек тилига таржима қилиб, ҳар томонлама жиҳдий ўрганиш ҳаётий зарурат эканлиги, шубҳасиздир.

Убайдулла УВАТОВ.

БИЗНИНГ ДЕРАЗАЛАРИМИЗДА ҚУЧИ ТЎЗАЛ КЎРИЧАДИ.



Алюминийдан тайёрланган дераза ромлари ва витраж тизимлари:

- турли шакл, ўлчам, рангдаги дераза, эшик, витражлар тайёрлаш
- турли аркалар тайёрлаш
- чанг ва товуш ўтказмаслик
- ойналарнинг ҳаво ўтказмаслиги
- очиладиган ва суриладиган қурилма, жалюзилар ўрнатиш учун қулай
- ёнғиндан хавфсиз.

Якка буюртмалар қабул қиламиз. Йил мобайнида сервис хизмати кўрсатиш.

ALQUR

Манзил: Тошкент ш., Бектешев тўқми, «Оҳангарлик» ишхонаси, 2. Тел.: (371) 185-67-78, 185-67-74, 130-79-90. Факс: (371) 98-47-00.

Бизнинг дилдорларимиз: Андижон ш., Фитрат кўчаси, 214. Тел./факс: (37422) 25-25-94.

Навоий ш., «Феникс Ко» фирмаси, Ян.: (43622) 30761.

АНЖУМАН

ОЛТИН ҲАЛҚА

Июн ойининг сўнгги кунларида Қарши шаҳрида бўлиб ўтган халқаро «Ипак йули — театр савҳат» лойиҳаси доирасидаги II муаллифлик театралари учрашуви то мазнада халқлар ва санъатлар байрами бўлди, дейиш мумкин. Буни фестивал «журофисси» дан ҳам сезиш қийин эмас.

Анжуман кунларида мамлакатимизнинг қатор иккунчи жамоалари, хусусан, И. Оқунбоев номидаги республика Еш томошабинлар театри, Мулла Тўйчи Тошмухамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театри, республика Ешлар театри, Қарши шаҳридаги «Мулоқот» ва «Эски мачит» театр-студиялари билан бир қаторда Қозғонистон давлат ёшлар ва болалар театри, Шайх Камол Ҳўжанди номидаги Ҳўжанд мусиқали драма театри, Қирғизистондаги «Тунгуч» театри ҳамда Германиядаги «Театр ан дер рур» жамоаларининг иштирок этишининг ўзидек бу фестивалнинг сарҳадлари нечоғли кенг ва ранг-баранг бўлганлидан дарак беради.

Чиндан ҳам, турли халқларга, миллатларга мансуб турфа асарлар, турфа талқин ва турфа ижро... буларнинг ҳамма-ҳаммаси ҳуқуқини бефарқ ва лоқайд қолдириши мумкин ҳам эмас эди. Фестивал давомида иштирокчилар ўнга яқин спектакллари томоша қилишди, бир-бирларининг санъатлари билан яқиндан танишишди, фикр-мулоҳазалар билдиришди, тақлиб-истақлар ўртага ташланди.

Аслини олганда, фестивалга тақдим этилган асарларнинг ҳар бири алоҳида эътиборга лойик, баҳсу мунозараларга арзигулик бўлди. Бу ўринда Мулла Тўйчи Тошмухамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрининг ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Мансур Равшанов томони-дан саҳналаштирилган «Бир ўлиб кўрайчи», «Мулоқот» театр-студиясининг қирғиз драматурги М. Бойжов асари асосида режиссёр А. Абдуназаров томонидан қўйилган «Гуля-Эдик», ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби О. Салимов раҳбарлигидаги И. Оқунбоев номидаги республика Еш томошабинлар театрининг «Учар табиб», «Эски мачит» театр-студиясининг «Қобил ва Хобби» спектакллари билан бир қаторда, Қирғизистондаги «Тунгуч» театрининг Ч. Айтматов асари оҳангларига яратилган «Таянч», қозғонистонлик театр арбобларининг «Қўрлар ичда ёлғизлар», К. Ҳўжанди номидаги Ҳўжанд мусиқали драма театрининг истеъдодли режиссёр Барзу Абдуразоқов томони-дан саҳналаштирилган «Капалакнинг туши», машҳур театр арбоби, Германиядаги «Театр ан дер рур»нинг бадиий раҳбари, жаноб Роберто Чули томонидан саҳналаштирилган «Қўлланма совға» сингари ўзига хос спектакллари эслатиб ўтмоқ жоиздир.

Шуниси диққатга сазовор-ки, бу асарларнинг бири ўзбекча, иккинчиси қирғизча, учинчиси қозққча, яна бошқа бири тожикча, немисча ёхуд рус тилларида намойиш этилгандан қатъи назар, уларнинг талқини, ижро муҳорати, ўзига хос ва мос тарзда танланган мусиқалари, саҳна ҳаракатлари, оригинал безаклари билан катта кичика бирдек тушунарли бўлди, ўзига маънавий эди.

Спектакллarning ана шу нозик ва мураккаб хусусиятлари билан томошабинлар ҳозирги замон театр санъатини, хусусан, Марказий Осиё мамлакатлари театрларини қайтадан кашф этгандек ва бугунги саҳна санъати янги-ланлиш, эврилик жараёнини бошдан кечираётганига шохид бўлдилар.

Фестивал сўнггида «Минг-чинор» дам олиш масканида бўлиб ўтган «Кўп миллатли театрда ижодий фаолият», драматургия ва режиссура муаммолари мавзусидаги анжуман эса XXI аср оstonасида турган жаҳон халқларини фақат тинчлик, дўстлик, ҳамжихатликка сақлаб қолажagini,

маънавий, хусусан, театр санъати ана шу жараёнида энг гўзал, тақрирланмас саҳналаридан бири бўлажagini ана бир қарра тасдиқлади.

Фестивалнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Қашқадарё вилоят ҳокими мусовини Р. Раҳмонов, ўзбекистон маданият ишлари вазир мусовини, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бirlашмасининг раиси М. Абдуқудов, германиялик мейхон Р. Чулилар ҳам театр фестивалнинг шакли, мазмуни ва маънавий ҳаётимиздаги аҳамияти ҳақида тўхталиб, унинг иштирокчиларига ижодий муваффақиятлар тиллади.

Ана шу ҳаётбахш сўзларга ишонгинг келди киши.

Эркин УСМОНОВ, «Театр» журналининг махсус мухбири. СУРАТЛАРДА: фестивалдан навлалар. **Сергей НАХЛЕДОВ** олган суратлар.

Евро-2000

Миллаонлаб кишилар нигоҳини оҳанрабо янглир ўнган қаратган XI Европа чемпионати ҳам поёнига этди. Эсингизда бўлса, у 10 июн кун Бельгия пойтахти Брюссель шаҳридаги Қирол Будуэн стадиони яшил майдонда старт олган эди. Орадан 528 соат ўтиб, 16 терма жамоадан иборат футбол карвони финишга етиб келди.

2 июл, Голландиянинг Роттердам шаҳридаги мафтунок «Фейенорд» стадионига 48900 нафар ихлосманд тўпанишган. Финал. Яшил майдонда Европа футбол юдузларининг асосини ташкил этувчи Франция ва Италия терма жамоалари. Ҳар қандай беллашув олдиндан башоратчи билаларлар, спорт мутахассислари турли тахминларни илгари суришини биласиз. Ана шундай тахминлардан бирига кўра, финал баҳсида

ФУТБОЛ КАРВОНИ МАНЗИЛГА ЕТДИ



Франция шиддатли, ҳужумкор ўйин намойиш этиши, Италия эса асосан ҳимоя ва қарши ҳужум формуласи буйича тўп суриши, охиқ-оқибатда французлар ғалаба қозониши керак эди.

Тўрри, Мишель Платини издолоши ҳужумкор ўйин намойиш этишига интилади. Лекин Дина Дзофф шоғирдлари фақат ҳимояда тўп суради, деган башорат пучта чикди. Натияжада улар биринчи бўлиб ҳисобини очилди. Балким французларнинг сарҳад таъқиси деб аталаётган Вилторд майдонга тушмаганида, Италия терма жамоаси

иккинчи марта кўтга чемпиони деган унвонга сазовор бўлармиди? Қўнани шундаки, 13 сони омадсизлик келтиради, дейишади. Бироқ айнан мана шу рақам остида майдонга тушган Вилторд ўйиннинг асосий вақти тугашига 55 сония қолганда ҳисобни тенглаштириб, қандай омадди йингит эканлигини исботлади. Французларнинг яна бир омади футболчи Трезаги эса қўшмича вақтда «олтин гол»ни киритиб, шу кунга стадионга ташриф буюрган Президент Жак Ширакдан тортиб, бутун Франция аҳлига олам-олам қувонч, Апенин ороллари футболчиарио муҳлисларига аламли дамларни ҳада қилди.

Шундай қилиб, французлар ўз тарихларида иккинчи бор кўтганинг энг зўр терма жамоаси — Европа чемпиони деган номга сазовор бўлишди.

Озод БЕК, «Халқ сўзи» мухбири.

Vinlad

Ҳаётни тинчроқ ўтказайлик!

Ёнғиннинг олдини олиш муҳофаза сигнализацияси;

Киришни чеклаш тизимлари;

Домофонлари;

Овоз бериш тизимлари;

Телекузатиш муҳофаза тизимлари

ва бошқа хавфсизлик тизимлари.

Ўзбекистон Республикаси, 700022, Тошкент ш., «Қўшбеги» к., 18.

Тел.: (998 712) 50-99-13, 50-46-13; факс: (998 712) 50-03-61. E-mail: vinlad@naytov.com.

Машиниот

ДУ-25, ДУ-76, ДУ-50 мм, сомади.

Мулоқот учун телефонлар: 41-31-72, 41-29-94, 41-25-72, 46-19-46, 144-38-18 (факс), Самарқанд филиалида (366-2) 33-13-44.

Ўзбекистон Республикаси Президентини девони Ишлар бошқармаси жамоаси хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи А. Берикбоевга онаси

Гулоийм БЕРИКБОВЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Котибияти Олий Мажлис биносидан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи Абдурашид Берикбоевга волидан муқтарамаси

Гулоийм алийнн вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати жамоаси маъсул ходим Захиудла Насриддинхўжаевага акиси

Иноятудла ШАМСУТДИНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Молия ва нарҳлар илмий-тадқиқот институти жамоаси шу институт раҳбарининг ўринбосари Шавкат Нуриддиновга волидан муқтарамаси

Умарасан ая НУРИТДИНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар ИИББ жамоаси бошқарма бошлиғи мусовини, илтиҳия подполковниги Зурриддин Бобокалоновга волидаси

Хури ая БОБОКАЛОНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Volvo» корпорациясини ваколатдонси жамоаси Швециянинг «Svedala» компаниясининг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатдонси менежери Жаалолидин МУСАЕВнинг бевақ вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия билдиради.

Тошкент ўрмон-мелиоратив техникаси жамоаси техникумининг собик директори, доцент, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган кишлоқ хўжалик ходими Шароф ЖАМОЛОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур ҳамдардик билдиради.

«ХАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масул котиб — «Халқ сўзи»),
- М. ЕГОРОВ (масул котиб — «Народное слово»),
- Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
- С. ЗИНИН,
- М. МИРАЛИМОВ,
- С. МУҲИДДИНОВ,
- Ш. РИЗАЕВ,
- Р. ФАРҲОДИЙ,
- И. ХУДОЕВОВ,
- И. ШОҒУЛОМОВ,
- О. ҚАШИБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
- Ҳ. ҚОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
- Ҳуқуқ — 136-07-94;
- Иқтисодиёт — 136-36-65;
- 132-10-65
- Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
- Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
- Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
- Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 133-78-92;
- Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
- Котибият — 133-10-28;
- Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 516, 22228 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — И. ЎТБОСАРОВ. Навбатчи — Э. МАВЛОНОВ. Мусоҳиҳ — А. ЭШКУЛОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топириш вақти — 21.00 топириди — 21.45

1 2 3 4 5 6